

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 03/05.06.2020. В.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ТЎРАЕВА САИДА МУРАТОВНА**

**ИНСЕКТИЦИД ТАЪСИРИГА ЭГА БИОПРЕПАРАТ ЯРАТИШДА  
*НАРТОРHYLLUM PERFORATUM* ЎСИМЛИГИДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ БИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

02.00.10- Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тўраева Саида Муратовна**

Инсектицид таъсирига эга биопрепарат яратишда *Haplophyllum perforatum* ўсимлигидан фойдаланишнинг биологик асослари..... 3

**Тураева Саида Муратовна**

Биологическое обоснование использования растения *Haplophyllum perforatum* для создания биопрепарата инсектицидного действия..... 21

**Turaeva Saida Muratovna**

Biological validation for the use of the plant *Haplophyllum perforatum* to create bio preparations of insecticidal action..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 03/05.06.2020. В.91.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ТЎРАЕВА САИДА МУРАТОВНА**

**ИНСЕКТИЦИД ТАЪСИРИГА ЭГА БИОПРЕПАРАТ ЯРАТИШДА  
*НАРЛОРHYLLUM PERFORATUM* ЎСИМЛИГИДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ БИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

02.00.10- Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/B478 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) uzicps.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (guldu.uz/ru/) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Закирова Рано Пулатовна</b> Биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хашимова Нигора Рустамовна,</b> Биология фанлари доктори, катта илмий ходим <b>Исаев Юсуф Тожимаматович</b> Кимё фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент Давлат Аграр Университети</b>

Диссертация ҳимояси Гулистон Давлат Университети ҳузуридаги DSc. 03/05.06.2020. В.91.03.рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» май соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел. (99867) 225-42-75, факс (67) 225-40-42) email: glsu\_info@edu.uz).

Диссертация билан Гулистон Давлат Университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел. (99867) 225-42-75, факс (67) 225-40-42) email: zafar@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ҳ.Ҳ. Қўшиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси., б.ф.д., проф.

**З. У. Абдикулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., доц.

**Н.Р. Хашимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., кат.и.х.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда экологик энг долзарб муаммолардан бири атроф мухитнинг пестицидлар билан ифлосланиши ҳисобланади. Маълумки, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилмасдан туриб, тўлиқ ва сифатли ҳосил олиш мумкин эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинларининг тахминан 50-70% зараркунандалар томонидан нобуд бўлишига олиб келмоқда. Инсектицидларга ҳашаротларнинг чидамлилигининг ортиши, шунингдек, зараркунанда-ҳашаротларнинг миграциясига олиб келадиган савдонинг оммалашуви туфайли ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган янги моддаларни жорий этишга доимий эҳтиёж ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ўсимликларни муҳофаза қилишда экологик хавфсизлик устувор талабга айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим миллий иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммолардан биридир. Шунга кўра, ўсимликларнинг иккиламчи метаболитлари асосида янги экологик хавфсиз биопестицидларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсимликларнинг иккиламчи бирикмалари микробларга қарши, фунгицид, инсектицид, репеллент, аттрактант ва бошқалар турли биологик фаолликларга эга бўлган, биопрепаратлар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ўсимликларни ҳимоя қилишда атроф мухитни муҳофаза қилишга ва экологик вазиятни олдини олиш, карантин зараркунандалар популяция сонини бошқаришда инсектицид таъсирга эга биопрепаратлар яратиш ва уларга қарши самарали кураш чора тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни хорижий давлатлар фитосанитария талабларига мувофиқлаштириш ҳамда ҳозирги кунда талаб ортиб бораётган органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштиришда зарур бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг самарали, экологик хавфсиз ва инновацион шакллари яратиш ва уларни қўллаш технологияларнинг кенг жорий этилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан республикамиз ҳудудида ўсадиган ўсимликларнинг иккиламчи метаболитларини ва уларнинг биологик фаолликларини аниқлаш ва улар асосида янги юқори самарали биорационал пестицидларни яратиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон “Сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги қарори, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартларга мувофиқлиги”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995 сон “Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирда ўсимликларнинг иккиламчи бирикмаларини ажратиш, уларнинг тузилишини ўрганиш, улар асосида дори препаратлари ва биологик актив қўшимчалар яратиш бўйича жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан: Suez Canal University (Египет), University of Yamanashi (Япония), University of Guilan (Эрон), University of Ibadan (Нигерия), University of Ankara (Туркия), University of Georgia (USA), Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий текшириш институти (Россия), Entomology Research Institute (Индия), King Saud University (Саудия Арабистон) University of Pisa (Италия), Ўсимлик моддалари кимёси институти (Ўзбекистон) илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бу йўналишда кўплаб олимлар М. А. Osman, S. Pagare, R. Pavela, Y. Aoki, N. Van Trung, S. Suzuki, M. E. Ojebode, E. M. Ahmed, M. Mostafa, H. Hossain, M. Badawy, D. Wahyuni, G. Harve, V. Kamath, M.V. Isman, А.О. Берестецкий, Ш.Н. Шорохов, Т.Д. Черменская, В.И. Долженко, С.И. Денисова, Д.С. Елагина, А.В. Пронин ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ўсимликларнинг иккиламчи метаболитлари асосида яратилган қишлоқ хўжалигида биостимуляторлар, биоинсектицидлар, биофунгицидлар, иммуномодуляторлар, биологик фаол қўшимчалар сифатида кенг қўлланилади.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-майдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5995-сон Фармони, 2019-йилда 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини 2020-2030-йилларда ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида иккиламчи бирикмаларни ажратиб олиш, кимёвий тузилишларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, табиий моддаларнинг биологик хоссалари кимёвий тузилиши билан боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Институтда ўсимлик хом ашёсидан олинган, ўсимликларнинг абиотик ва биотик стрессларга чидамлилигини ва ҳосилдорликни оширишга ёрдам берадиган препаратлар олиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу соҳада А.А. Умаров, Я.В. Рашкес, Ҳ.М. Шаҳидоятов, А.М. Рашкес, Н.К. Хидирова, Н.М. Маматкулова, Р.П. Зокирова ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Бугунги кунга қадар *Rutaceae* оиласига мансуб, кенг тарқалган *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг иккиламчи метаболитларининг баъзи фармакологик фаолликлари ўрганилган, аммо иккиламчи метаболитларнинг инсектицидлик ва бошқа фаолликлари ўрганилмаган.

Бу самарали ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини яратиш учун тадқиқот объекти сифатида ушбу ўсимликни танлаш учун асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий – тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170927326 “*Datura* и *Physalis* оиласига мансуб ўсимликлар витастероидлари асосида яллиғланишга қарши фаолликка эга дори воситаларини яратиш” (2018-2020), “Томатдошлар оиласига мансуб экинларни зарарлайдиган помидор куясининг (*Tuta absoluta*) биологик хусусиятларини ўрганиш асосида популяция сонини бошқаришнинг илмий асослари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда кенг тарқалган *Rutaceae* оиласига мансуб *Haplophyllum perforatum* ўсимлик экстрактидан қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий зараркунандаларига қарши юқори самарали ва экологик хавфсиз биопестицид яратишда фойдаланишни асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Санчиб сўрувчи зараркунанда хашаротлар олма шираси (*Aphis pomi* D.G.), картошка шираси (*Macrosiphum euphorbiae* T.), ғалла шираси (*Schizaphis graminum* L.), тўрт доғли донхўрга (*Callosobruchus maculatus* F.) нисбатан экстрактнинг инсектицид фаоллигини лаборатория шароитида баҳолаш;

*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти ва унинг фракцияларини маккажўхори барг курти (*Spodoptera frugiperda* ECACC 89070101) хужайра культурасига нисбатан цитотоксик фаоллигини *in vitro* шароитида аниқлаш;

олма шираси (*Aphis pomi*), картошка шираси (*Macrosiphum euphorbiae*) ва помидор куясига (*Tuta absoluta*) қарши экстрактнинг биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича кичик дала тажрибаларини ўтказиш, экстрактни қўллашнинг мақбул меъёри ва муддатларини белгилаш;

*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти ва унинг Учкун препарати билан композициясини помидор куяси (*Tuta absoluta* M.) билан

зарарланган помидор ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига таъсирини очик дала шароитида ўрганиш;

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти билан ишлов беришнинг помидор мевасидаги аскорбин кислотаси миқдорига таъсирини аниқлаш;

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг помидорнинг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

экстрактнинг биологик фаолликларни аниқлаш (фитотоксиклик, инфузория - туфелькага (*Paramecium caudatum*) нисбатан ўткир захарлилик, гельминтоспориоз (*Bipolaris sorokiniana*) ва фузариумга (*Fusarium oxisporum*) нисбатан фунгицидлик фаоллик, пичан таёқчаси (*Bacillus subtilis* NCTC 104000), ичак таёқчаси (*Escherichia coli* NCTC 12923) ва (*Candida tropicalis* NCPF3179) замбуруғига нисбатан микробларга қарши фаоллик).

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Rutaceae* оиласига мансуб *Naplophyllum* туркумига кирувчи *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан олинган спиртли экстракт ва унинг фракциялари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиб олинган экстракт ва унинг фракцияларининг санчиб сўрувчи зараркунанда ҳашаротлар: олма шираси (*Aphis pomi*), картошка шираси (*Macrosiphum euphorbiae*), дон - дуккакли экинлар зараркунандаси - тўрт доғли донхўр (*Callosobruchus maculatus*) ва карантин зараркунандаси помидор куясига (*Tuta absoluta*) нисбатан биологик самарадорлиги ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда суюқ экстракция усули, ЮСЮҚХ, ГХ/МС, ЮҚХ усуллари, лаборатория ва дала шароитида инсектицид фаоллигини аниқлаш, фенологик ва биокимёвий тадқиқот усуллари, шунингдек, фитотоксиклик, цитотоксиклик, микробларга қарши фаоллик, умумий ва ўткир захарлиликни аниқлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти мева-сабзаёт экинларининг бир қатор *Aphididae* оиласига мансуб санчиб сўрувчи зараркунандаларига ва омборхона зараркунандасига *Callosobruchus maculatus* нисбатан юқори инсектицид фаоллигига эга эканлиги лаборатория шароитида аниқланган;

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти *Fusarium oxisporum* Schrf. фитопатоген замбуруғига қарши фунгицидлик фаоллиги аниқланган;

илк бор *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактдан дала шароитида помидор куяси куртига нисбатан биологик самарадорлиги баҳоланган;

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактини помидор ўсимлигининг биометрик ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланган;

илк бор *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти ҳайвонларга нисбатан кам захарлилиги, захарлилик бўйича IV гуруҳга мансублиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг *Aphis pomi*, *Macrosiphum euphorbiae*, *Callosobruchus maculatus* ва *Tuta absoluta* каби зараркунандаларга қарши курашда юқори самарадорлиги аниқланган;

уларнинг зараркунандаларга нисбатан дала шароитида фойдаланишнинг мақбул сарф меъёрлари ва қўллаш усуллари тадқиқ қилинган;

амалий аҳамияти юқори бўлган экстрактнинг илдиз ва поя чиришини келтириб чиқарувчи *Fusarium oxisporum* Schrf замбуруғига қарши юқори фаоллиги борлиги аниқлаган;

ўсимлик экстрактининг маданий ўсимликлар учун фитотоксик эмаслиги ҳамда юқори цитотоксик фаолликни намоён этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот замонавий экспериментал усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Олинган натижаларни таҳлилларини турлича статистик ҳисоблашдан фойдаланган ҳолда бажарилган ҳамда ихтиро учун олинган патент, фермер хўжалиги далолатномаси, тадқиқот натижаларининг халқаро илмий конференциялардаги муҳокамаси ва илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган натижаларнинг ишончли эканлигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг қишлоқ хўжалиги экинларининг санчиб сўрувчи зараркунанда ҳашаротлари - *Aphis pomi*, *Macrosiphum euphorbiae*, омборхона зараркунандаси ҳашароти - *Callosobruchus maculatus*, ва карантин зараркунанда ҳашароти - *Tuta absoluta* қуртига нисбатан юқори инсектицид фаоллик намоён қилганлиги ва уларга қарши курашда биологик самарадорлиги баҳоланганлиги, ўсимлик экстрактининг илдиз ва поя чиришини келтириб чиқарувчи *Fusarium oxisporum* Schrf замбуруғига қарши юқори фаолликка эга эканлиги, *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг таъсир этувчи моддалари кимёвий таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги асосида инсектицид фаоллигига эга биопрепарат яратишда биологик асослаш ҳамда санчиб сўрувчи зараркунанда ҳашаротлари ва помидор куяси қуртига қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Инсектицид таъсирига эга биопрепарат яратишда *Haplophyllum perforatum* ўсимлигидан фойдаланишнинг биологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактдан маданий ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш воситасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP.06610. 2021 й.). Натижада, янги, самарали экологик хавфсиз биоинсектицид яратиш имконини берган;

*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг помидор куяси куртига нисбатан дала шароитида юқори биологик самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар ВА-КХФ-5-008 “Томатдошлар оиласига мансуб экинларни зарарлайдиган помидор куяси (*Tuta absoluta*) биологик хусусиятларини ўрганиш асосида популяция сонини бошқаришнинг илмий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 25 ноябрдаги №4/1255-3303-сон маълумотномаси). Натижада, помидор куяси куртига қарши курашда фойдаланиш натижасида помидор маҳсулдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари 14 та, жумладан, 8 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган ва “Томатдошлар оиласига мансуб экинларни зарарлайдиган помидор куясининг (*Tuta absoluta*) биологик хусусиятларини ўрганиш асосида популяция сонини бошқаришнинг илмий асослари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа ҳисоботларига киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та патент, 7 та илмий мақола, жумладан 5 та хорижий ва 2 та мақола халқаро журналда Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби 108 бетдан ташкил топган кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўсимликларнинг иккиламчи метаболитлари ва уларнинг ўсимликларни ҳимоя қилишдаги ўрни” деб номланган **биринчи бобда** юксак ўсимликларнинг иккиламчи метаболитлари ва уларнинг ўсимликлар ҳаётидаги роли, ўсимликларнинг инсектицид хусусиятига эга биологик фаол бирикмалари, *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг иккиламчи метаболитлари, ўсимликлар асосида олинган биопестицидлар ва уларни ўсимликларни ҳимоя қилишда қўллаш истикболлари, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларининг иқтисодий аҳамиятга эга бўлган

зараркунандалар ҳақида маълумотлар умумлаштирилган ва илмий–таҳлилий хулосалар берилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объектлари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, ўрганилаётган *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги тўғрисида ва *Haplophyllum perforatum* ўсимлик экстрактининг турли фракцияларини ажратиб олиш ҳақида маълумотлар берилган. Экстрактнинг инсектицидлик фаоллигини аниқлашда уч турдаги зараркунанда ҳашаротларда бирламчи скрининг ўтказиш, фитотоксиклигини аниқлашда экспресс-тест, цитотоксик фаоллигини *in vitro* шароитида аниқлаш, умумий ва ўткир заҳарлилиги, микробларга қарши фаоллиги, дала тажрибаларида экстрактнинг биологик самарадорлигини баҳолаш, физиологик – биокимёвий тадқиқот усуллари тўлиқ баён этилган.

*Haplophyllum perforatum* ўсимлик экстрактининг физиологик ва биокимёвий тадқиқотларини олиб боришга бағишланган.


Диссертациянинг “*Haplophyllum perforatum* ўсимлик экстрактининг инсектицид ва бошқа биологик фаоллигини ўрганиш” номли **учинчи бобида** *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги спиртли экстрактини фракцияларга ажратиш, уларнинг турли зараркунандаларга қарши курашда самарадорлиги ва биологик фаолликлари аниқлаш ҳақида маълумотлар берилган.

### **3.1. *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг ер устки қисмидан спиртли экстракт ажратиб олиш, хроматографик фракцияларга ажратиш ва баъзи иккиламчи метаболитларини аниқлаш**

Дастлаб *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг 10 г. спиртли экстрактдан унинг фракцияларини олиш учун турли хил кутбларга эга бўлган органик эритувчилар: гексан, хлороформ, этил ацетат, бутанолли ва сувли фракциялари кетма-кет суяқ экстракция усули ёрдамида ажратиб олинди.

Олинган экстракт фракциялари роторли буғлатгич ёрдамида куюлтирилди. *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг спиртли экстрактдан энг кўп миқдорда моддалар гександа-1,12 г (11,2%), хлороформда-0,79 г (7,9%) ажратиб олинди. Ажратиб олинган моддаларининг улуши этил ацетатда 0,65 г (6,5%) ва бутанолда-0,19 г (1,9%) ни ташкил қилди. Энг кўп миқдорда экстракция қилинган гексан, этил ацетат ва хлороформ фракцияларининг компонент таркиби ГХ масс-спектрометрик усули ёрдамида ўрганилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, гексан фракциясида асосан монотерпенлардан  $\alpha$ - пинен,  $\beta$ - цитронеллол, фитол, сесквитерпенлардан  $\alpha$ - селинен,  $\beta$ -селенин, кариофилен, этил ацетат фракциясининг асосий таркибий қисмлари 3-гексенол, терпен спиртлари, альдегидлар ва алкалоидлар, хлороформ фракциясида ёғ кислоталарининг этил эфирлари, флавоноидлар ва алкалоидлар мавжуд. Спиртли экстрактнинг хлороформли фракциясининг асосий таркибий қисмлари 2:1:0,1 нисбатда терпеноидлар, флавоноидлар (хаплогенин, хаплозид), алкалоидлар (скиммианин, хаплопин ва эвоксин) бўлиб, улар илгари ажратиб олинган. Экстрактининг хлороформли фракцияси таркибида флавоноид -хаплогенин мавжудлигини колонкали хроматография, юпка қатламли хроматография

усуллари орқали ва флавоноидларни сифат реакцияси ёрдамида ажратиб олиш билан тасдиқланди. Ўсимликнинг спиртли экстракти фракцияларининг ЮҚХ хроматограммаси 1-расмда кўрсатилган.



1-Расм. Инсектицид активлигига эга бўлган Ф – 4 ва Ф – 13 фракцияларининг ЮҚХ.

1 - 4 – Фр (4); 5 - 7 – Фр (13); 8 - 9 – алкалоидлар йиғиндиси. Система: гексан - этилацетат (19:1). ИҚ нурнинг 365нм (1) ва 254 нм (2) тўлқин узунлигида кўриниши.

Тажрибаларимиз давомида ЮСЮҚХ таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, экстрактда эркин флавоноидлар билан бир қаторда глюкоза (асосий) ва сахароза билан боғлиқ флавоноидлар ҳам борлигини аниқланди.

### **3.2. *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактини инсектицидлик фаоллигини лаборатория шароитида ўрганиш**

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти ва унинг фракцияларининг инсектицид фаоллигини санчиб сўрувчи зараркунанда хашаротлар олма шираси (*Aphis pomi*), картошка ширасига (*Macrosiphum euphorbiae*) нисбатан ўрганилди.

#### **3.2.1. *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактини лаборатория шароитида *Aphididae* туркум санчиб сўрувчи зараркунандаларига нисбатан инсектицидлик фаоллигини ўрганиш**

*Macrosiphum euphorbiae* имагосига нисбатан максимал инсектицид фаоллик (100,0%) 1 мг/мл концентрацияли спиртли экстракт билан, гексанли фракция - 85,5%, хлороформли экстракт - 89,6%, бутанолли экстракт – 94,3%, этилацетатли -78,5% ва сувли қисмда 68,1% 24 соат давомида инкубация қилинганда кузатилди.

Ўтказилган синовлар натижасига кўра, *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг 1 мг/мл концентрацияда *Aphis pomi* учун ўта заҳарлилиги (100%) аниқланди. Экстрактнинг 1 мг/мл дозадаги 4 фракциялари таъсирида зараркунандаларнинг ўлими 87,0% дан 96,0% гача ошиб борди.

<sup>3</sup>Муаллиф Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институти катта илмий ходими, биология фанлари номзоди А.О.Берестецкийнинг диссертация ишининг бажарилишида кўрсатган ёрдами учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради

Хлороформли фракция билан инкубация қилинган *Aphis pomi* ўлими 92,5% ни ташкил этди. Этилацетатли ва бутанолли фракциялар таъсирида *Aphis pomi* имаголарининг ўлими 95,8% - 96,0% ни қайд этилди. Нисбатан камроқ ўлим (87,0%) гексанли ва сувли фракциясига таъсирида кузатилди (1-жадвал). Бирламчи скрининг натижаларига кўра, *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг барча фракциялари ғалла ширасига (*Schizaphis graminum*) нисбатан ҳам кучли заҳарлилиги аниқланди. Юқори инсектицидлик фаоллиги бутанолли фракция учун 79,5%, этил ацетатли фракция - 78,5%, хлороформли фракция - 74,5%, гексанли фракция - 67,6% ва сувли қисм 55,5% ни намоён қилди. Бироқ, фракцияларнинг инсектицид фаоллиги сумма ҳолдаги (спиртли) экстрактдан (89,1%) сезиларли даражада паст натижани кўрсатди (1-жадвал).


1-Жадвал

*Haplophyllum perforatum* экстракти ва унинг фракцияларининг *Aphididae* турига мансуб санчиб сўрувчи зараркундаларига нисбатан инсектицидлик фаоллиги (бирламчи скрининг, ЎМКИ, БРЎҲҚИ)

Тажриба	Тест-объектлар	Биологик самарадорлик, %, (M±SEM).
Назорат	<i>S.graminum</i>	13.2±0.07
	<i>A. pomi</i>	0.0±0
	<i>M.euphorbiae</i>	0.1±0.0
Спиртли экстракт, 1 мг/мл	<i>S.graminum</i>	89.1±0.07
	<i>A. pomi</i>	100.0±0.0
	<i>M.euphorbiae</i>	100.0±0.0
Гексанли фракция, 1 мг/мл	<i>S.graminum</i>	67.6±0.2
	<i>A. pomi</i>	87.0± 0.8
	<i>M.euphorbiae</i>	85.5±0.3
Хлороформли фракция, 1 мг/мл	<i>S.graminum</i>	74.5±0.2
	<i>A.pomi</i>	92.5 ±0.2
	<i>M.euphorbiae</i>	89.6±0.5
Этил ацетатли фракция, 1 мг/мл	<i>S.graminum</i>	78.5±0,1
	<i>A. pomi</i>	95.8±0.3
	<i>M.euphorbiae</i>	98.4±0
Бутанолли фракция, 1 мг/мл	<i>S.graminum</i>	79.5±0,1
	<i>A. pomi</i>	96,0±0.4
	<i>M.euphorbiae</i>	94.3±0.5
Сувли фракция, 1 мг/мл	<i>S.graminum</i>	55.6±0.1
	<i>A. pomi</i>	75.0±0.2
	<i>M.euphorbiae</i>	68.1±0.6

### 3.2.2. *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактини лаборатория шароитида тўрт доғли мош донхўри (*Callosobruchus maculatus*) га нисбатан инсектицидлик фаоллигини ўрганиш

*N. perforatum* ўсимлиги спиртли экстрактининг 10 мг/мл дозасида тўрт доғли донхўрни 100% ўлими кузатилди, 5 мг/мл концентрация таъсирида унинг биологик фаоллиги Карбофос даражасида 95,5% ни ташкил қилди. Концентрациянинг 1 мг/мл дозага камайишида 80,0%, 0,1 мг/мл дозада эса 50,0% фаоллик кузатилди (2-расм).



#### 2-Расм. *Naplophyllum perforatum* экстрактининг *Callosobruchus maculatus* га нисбатан инсектицидлик фаоллиги (бирламчи скрининг).

1. Назорат; 2. Карбофос 1мг/мл; 3. Экстракт 10мг/мл; Экстракт 5 мг/мл; Экстракт 1 мг/мл; Экстракт 0,1 мг/мл.

Хулоса қилганда, экстракт 10 мг/мл ва 5 мг/мл концентрацияларда Карбофос (эталон) варианты каби юқори инсектицидлик фаолликни намоён қилди.

### 3.2.3. *Naplophyllum perforatum* экстракти ва унинг фракцияларининг цитотоксик фаоллиги (*in vitro*)

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактдан ажратиб олинган фракцияларининг 1% ли 300 мкл экстрактлари турли даражадаги цитотоксик фаолликка эгаллиги аниқланди. Хлороформ ва этил ацетат фракциялари нисбатан паст фаоллик кўрсатди, уларнинг кўрсаткичлар мос равишда 42,6% ва 31,0% ни, бутанолли фракциянинг цитотоксиклиги 94,9% ни ташкил қилди. Гексанли фракция ва спиртли экстракт *in vitro* шароитида Sf9 хужайрасига нисбатан 100% юқори цитотоксик хусусиятларга эгаллиги аниқланди.

Шундай қилиб, *Naplophyllum perforatum* ўсимлигининг сумма ҳолдаги экстракти ажратиб олинган фракцияларга нисбатан бир мунча юқори цитотоксик фаолликни намоён қилди.

### 3.3. *Naplophyllum perforatum* экстрактининг дала шароитида биологик самардорлиги аниқлаш

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичи Тошкент вилояти Қибрай туманида ўтказилган дала синовлари бўлди.

### 3.3.1. *Haplophyllum perforatum* экстрактининг *Macrosiphum euphorbiae* ва *Aphis pomi* га қарши курашда биологик самарадорлигини дала шароитида баҳолаш

Картошка ширасига (*Macrosiphum euphorbiae*) қарши курашда экстрактнинг самарадорлигини баҳолаш 25 м<sup>2</sup> кичик бўлакли тажриба майдонларида ўтказилди. Синов натижаларига кўра, *Haplophyllum perforatum* экстрактининг 0,23 кг/га сарф меъёрида картошка баргларида пуркалганда барча хисоблашлар давомида унинг биологик самарадорлиги 100% ни ташкил қилди. (2-жадвал). Картошка ўсимлигини экстрактнинг 0,115 кг/га сарф меъёр билан ишлов берилганда 1 ва 3-кунларда самарадорлиги 73,9%-86,6%, 7 кун 100% га ошиб борди. Каратэ инсектициди билан 0,2 кг/га сарф меъёрда ишлов берилганда биологик самарадорлик 1- кун 89,1%, 3-7 кунлари 100% га ошди.

2-Жадвал

*Haplophyllum perforatum* экстрактининг *Macrosiphum euphorbiae* га қарши курашда биологик самарадорлиги (Коннект нави, 2018 й).

Тажриба	Ширалар ўртача сони, (барг/имаго),%				Биологик самарадорлик,%		
	ишловдан олдин	1-кун	3-кун	7-кун	1-кун	3-кун	7-кун
Назорат	15,0	23,0	28,0	44,0	-	-	-
Каратэ 0,2 кг/га	18,0	3,0	0,0	0,0	89,1	100	100
Экстракт 0,23 кг/га	16,0	0,0	0,0	0,0	100	100	100
Экстракт 0,115 кг/га	20,0	8,0	5,0	0,0	73,9	86,6	100
НСР <sub>0,5</sub> =33, 46					S <sub>x</sub> =10,89		

*Haplophyllum perforatum* экстрактининг 0,115-0,23 кг/га сарф меъёридаги ишчи эритмаларининг Ширин Жаупазак навли ўрик дарахтига тушган ширага (*Aphis pomi*) қарши курашда биологик самарадорлигини аниқлаш дала амалиёти 2018 йилда амалга оширилди.

Экстракт билан ишлов беришдан олдин ширалар ўртача сони 115-139 дона/барг. га тўғри келди. Экстрактнинг 0,23 кг/га сарф меъёрдаги эритмаси билан ишлов берилганда юқори биологик самарадорлик (100%) бир кундан сўнг кузатилди, тирик ҳашаротлар ва нимфалари 7 кун давомида топилмади, бундан кўриниб турибдики *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг ўрганилаётган дозасининг юқори самарадорлигидан далолат беради. 0,115 кг/га сарф меъёрдаги экстрактнинг самарадорлиги сезиларли даражада паст, яъни 47,4% ни, учинчи кунга келиб 66,0% га ошди, 7-куни 97,8% ни ташкил этди. Бундай натижалар инсектицид Циперметрин (0,32 кг/га) вариантыда ҳам кузатилди, назоратда ширанинг сони 191 дона/барг. гача ортиб борди.

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг биологик самарадорлиги бўйича синовлар Тошкент вилоятидаги «Super garden» фермер хўжалигининг боғдорчилик майдонларида Фуджи навли олма дарахтларида ўтказилди. Ишлов беришда экстрактнинг 0,115 кг/га ва 0,23 кг/га сарф меъёридан фойдаланилди, тажриба қўйилган вақтда *Aphis pomi* ўртача сони 79-132 нам./барг ташкил қилди. 3-кунга келиб 0,23 кг/га экстракт билан ишлов берилганда ширанинг ўртача сони камайди, биологик самараси 85,0% га, 14-куни 96,0% гача, 21 куни 98,0% га етди. Шу билан бирга тажрибанинг айрим участкаларида зараркунандалар деярли учрамади. Ҳисобот даврида Карбофос инсектицидининг самарадорлиги 80,0-84,0% ни ташкил этди (3-жадвал).

3-Жадвал.

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг *Aphis pomi* га қарши курашда биологик самарадорлиги (Super garden ф/х, 2019 й).

Тажриба	Ишлов беришдан олдин ширалар сони,(барг/имаго), шт	Биологик самарадорлик,%			
		3-кун	7-кун	14-кун	21-кун
Назорат	132,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Карбофос 0,23кг/га	126,0	74,0	80,0	82,0	84,0
Экстракт 0,23 кг/га	79,0	85,0	92,0	96,0	98,0
Экстракт 0,115 кг/га	94,0	75,0	78,0	76,0	80,0
НСР <sub>0,5</sub> =20,6		S <sub>x</sub> =6,85			

Тадқиқот натижаларига кўра картошка ва олма ширасига қарши *Naplophyllum perforatum* экстракти юқори самарадорлигини кўрсатди ва ўсимликшуносликда ундан амалиётда фойдаланиш имконияти кўрсатди.

### **3.3.2. *Naplophyllum perforatum* экстрактининг дала шароитида помидор қуяси қуртига қарши курашда биологик самарадорлиги аниқлаш**

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг помидор қуясининг (*Tuta absoluta*) 1-2 ёшдаги қуртига нисбатан биологик самарадорлиги 81,0%, 3-4 ёшдаги қуртига нисбатан эса 83,6%, экстрактнинг Учкун препарати билан композицияси бироз пастроқ 73,3 % ва 69,6% ни ташкил этди. Проклэйм инсектицидини қўллаганда самарадорлик мос равишда 78,0% ва 76,0% ни ташкил қилди.

Зараркунанда қурти сонининг максимал даражада камайиши 7 кундан сўнг кузатилди. Назоратдаги зараркунандалар соннинг ортиши фониди, экстрактнинг самарадорлиги 1-2 ёшдаги қуртларга нисбатан 87,1%, 3-4 ёшдаги қуртларга нисбатан 77,5%, композиция эса мос равишда 84,1% ва 70,0% ни, деярли инсектицид Проклэйм даражасида (87,0% ва 70,0%) бўлди.

Биологик самарадорлик экстракт билан пуркалганда 14 куни 82,3% ва 74,3% сақланиб қолди, композиция билан эса 1-2 ёшдаги қуртларга нисбатан 83,0%, 3-4 ёшдаги қуртларга нисбатан эса 53,6% гача камайгани кузатилди.

Юқоридаги натижаларга кўра, *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти помидор куюси 1-2 ёшдаги куртига нисбатан самарадорлиги ортди, 3-4 ёшдаги помидор куртига нисбатан самарадорлик камайгани аниқланди.

#### **3.4. *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг фитотоксиклигини аниқлаш**

Фитотоксикологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, экстрактнинг бутанолли фракцияси бодрингга нисбатан паст фитотоксик фаолликни намоён қилди. Спиртли экстракт, гексанли, этил ацетатли ва хлороформли фракциялар 10 мг/мл дозада фитотоксик фаоллик намоён қилмади, ўсимликлар баргларида некроз доғлар аниқланмади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги спиртли экстракти ва унинг фракциялари маданий ўсимликларга нисбатан фитотоксик фаоллик намоён қилмади.

#### **3.5. *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг умумий заҳарлилигини *Paramecium caudatum* нисбатан аниқлаш**

*H. perforatum* ўсимлиги спиртли экстрактининг умумий заҳарлилиги инфузорияга (*Paramecium caudatum*) нисбатан баҳоланди. 15 мкл дозада экстракт таъсирида инфузорияларнинг умумий ҳолати 3, 30 минут ва 3 соат давомида ўзгармади, шикастланган (ҳаракатсиз, юмалоқ шаклли) хужайралар, топилмади. Демак, экстракт содда хайвонларга нисбатан ҳам заҳарли эмаслиги маълум бўлди.

#### **3.6. *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактларининг микробларга қарши фаоллигини аниқлаш**

*H. perforatum* ўсимлиги спиртли экстракти ва унинг фракцияларининг фунгицидлик фаоллиги икки фитопатоген *Bipolaris sorokiniana* ва *Fusarium oxisporum* замбуруғига нисбатан аниқланди.

*Bipolaris sorokiniana* микроскопик замбуруғига нисбатан экстрактлар фунгицидлик фаоллик намоён қилмади.

Тадқиқот натижаларига кўра, экстрактнинг алоҳида фракциялари яққол фунгицидлик фаоллиги аниқланмади. 10-кунга келиб қоғоз дисклар устки қисми замбуруғ мицелилари билан қопланиб кетди. Таркибида асосан терпенлар ва терпеноидларни ўз ичига олган экстрактнинг гексанли фракциясида 3 кунга келиб ўсиш бўлмаган зона 1,0 мм ташкил қилди, экстрактнинг хлороформли, этил ацетатли ва сувда эрувчан қисмлари *Fusarium oxisporum* замбуруғига нисбатан фунгицидлик фаоллик намоён қилмади.

Спиртли экстрактнинг юқори микробларга қарши таъсири аниқланиб, фаоллик 10 кун давомида сақланди, ўсиш бўлмаган зона 17,0 мм ни ташкил қилди.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, *H. perforatum* ўсимликларининг спиртли экстракт 50 мкг / диск концентрацияда *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Candida tropicalis* микробларига нисбатан яққол фаоллиги аниқланмади.

### **3.7. *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг ўткир заҳарлилигини аниқлаш**

*H. perforatum* ўсимлиги экстрактининг ўткир заҳарлилигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилаётган экстракт 500-10000 мг/кг дозада, 14 кун кузатув давомида экспериментдаги ҳайвонларнинг умумий ҳолати ва хатти-ҳаракатларида деярли ўзгаришларга олиб келмади. 3-5 соатдан сўнг ҳайвонларнинг умумий ҳолати назорат сичқонларидан деярли фарқ қилмади.

Ушбу олинган натижалар *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг кам заҳарли моддалар (IV синф) тоифасига тегишли эканлигини кўрсатди.

“*Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг ўсимликларнинг физиологик - биокимёвий хоссаларига таъсири” деб номланган **тўртинчи бобда**, *Haplophyllum perforatum* экстрактининг помидор ўсимлигининг физиологик - биокимёвий хоссаларига таъсири, жумладан ўсимликнинг биометрик кўрсаткичларига, умумий барг юзаси майдонига, биокимёвий хоссалари - хлорофилл миқдори, умумий азот, оксил, аскорбин кислотаси ва ҳўл оғирлигига, куриқ қолдиқ миқдорига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

#### **4.1. *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг помидорнинг биометрик кўрсаткичларига**

*H. perforatum* экстракт ва унинг композицияси билан ишлов бериш помидор ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир қилди. Экстракт билан ишлов бериш ўсимликларнинг бўйи (49,5 см) назорат (28,5 см) га нисбатан 73,7% га, композиция эса (50,2 см) 76,1% га ўсишини таъминлади. Барглари сони бўйича ушбу вариантларда (58,5 дона ва 60,0 дона) назоратга нисбатан (31,6 дона) 85,1% ва 89,9% га ошди ва инсектицид даражасидаги (58,7 дона) натижага эга бўлди.

Тажриба вариантларда зараркунандаларнинг ўсимлик ривожланишига салбий таъсири камайганлиги сабабли мева элементлари сонининг кўпайиши кузатилди, *H. perforatum* ўсимлиги экстракти таъсирида гул сонининг 8,3 дона /ўсим.га, мевалар сонини 3,8 дона ошишига олиб келди, композиция билан ишлов берилганда бир мунча юқори - 8,9 дона / ўсим. ва 4,1 донага етди. Проклэйм билан гулларнинг ўртача сони 7,8 дона / ўсим., мевалар сони - 3,5 дона / ўсим., назоратда эса 2,2 дона / ўсим. - 1,2 дона / ўсим. ни ташкил этди.

Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, интенсив ўсиш давридаги помидорнинг умумий барг юзаси сатҳи тажриба вариантларида деярли фарқ қилмади. Куртаклаш даврига келиб *H. perforatum* ўсимлиги экстракти таъсирида умумий барг юзаси сатҳи - 105 см<sup>2</sup>/ўсим., композиция - 95 см<sup>2</sup>/ўсим., назоратда эса 60 см<sup>2</sup>/ўсим. ни ташкил қилди (5-жадвал). Бу кўрсаткичнинг юқори ўсиш суръати мева ҳосил бўлиш даврининг бошларига тўғри келди, экстракт таъсирида - 850 см<sup>2</sup> / ўсим., композиция қўлланилган вариантда - 855 см<sup>2</sup> / ўсим. ни ташкил этди. Тажриба вариантларнинг


кўрсаткичлари назорат (440 см<sup>2</sup> / ўсим.) ва эталонга (780 см<sup>2</sup> / ўсим.) нисбатан сезиларли даражада ошди.

Бу натижалар ўсимликларининг фотосинтетик потенциал ўсимликлар асосида олинган экстрактлар билан ишлов берилган вариантларда ишлов берилмаганларига нисбатан юқорилигидан далолат беради.

#### 4.2. *Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг помидорнинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсири

Тажрибалар натижасига кўра, помидор ўсимлигини *N. perforatum* экстракт билан ишлов берилганда фотосинтез пигментларининг миқдорини ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ишлов берилгандан сўнг 7 – куни барглардаги хлорофилл "а" нинг ўртача миқдори (1,06 мг/мл) назоратга нисбатан 3,8% га ошди, хлорофилл "b" миқдори (0,38 мг/мл) 80,9% га, уларнинг йиғиндиси (1,37 мг/мл) 48,9% га ошган.

Композиция билан ишлов берилганда, фотосинтез пигментларнинг миқдори сезиларли даражада юқори бўлганлиги, хлорофилл "а" миқдори (1,14 мг/мл), хлорофилл "b" (0,44 мг/мл) миқдори назорат вариантыдан 119,2 ва 109,5% га ошган, уларнинг йиғиндиси (1,54 мг/мл) 67,3% га ошганлиги аниқланди. Проклэйм инсектициди билан ишлов берилгандан сўнг зараркундалар сонининг камайиши туфайли хлорофиллнинг миқдори назоратга нисбатан хлорофилл "а" (0,88 мг/мл) 69,2% га, хлорофилл "b" (0,40 мг/мл) 90,4% га, уларнинг йиғиндиси миқдори (1,24 мг/мл) 34,7% га ошганлига кузатилди (3-расм).



Расм 3. Помидор баргидаги (А) хлорофилл “а”, (В) хлорофилл “b” ва (С) “а” ва “b” хлорофиллар йиғиндиси:

1- Назорат; 2- Проклэйм 0,4 кг/га; 3 - *Naplophyllum perforatum* экстракти 0,23кг/га; 4- Композиция 0,23 кг/га. Графиклардаги барлар стандарт хатони билдиради.


Помидор барги ва мевасининг биокимёвий хусусиятларини аниқлаш ўсимликларни *Naplophyllum perforatum* экстракти билан 0,23 кг/га сарф меъёрда ишлов берилгандан 7 кундан сўнг ўтказилди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, экстракт пуркалган баргларининг ҳўл оғирлиги миқдори ўртача (88,6%), Проклэймга (87,06%) нисбатан 1,6%, назоратга (86,6%) нисбатан 2,0% юқори натижани кўрсатди. Экстракт таъсирида тажрибадаги помидор

баргларининг куруқ қолдиқ миқдори (11,4 %), инсектицид таъсирида 12,9 % ташкил этди.

Помидор меваси таркибидаги куриқ қолдиқ миқдори тажриба вариантларида 4,3% дан 4,93% ларни ташкил этди.

Шунингдек, помидор баргидаги умумий азот ва оқсил миқдори бўйича юқори кўрсаткич экстракт билан ишлов берилган вариантларда кузатилди, умумий азот улуши 0,41% ташкил этиб, назорат (0,35) га нисбатан 17,1% кўп ва инсектицидга нисбатан 20,6% юқори натижани қайд этди, оқсилнинг улуши бўйича тажрибадаги баргларда 2,61% бўлиб, 18,6% и 19,7% юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу муддат ичида ўсимликларга ишлов бериш натижасида помидор меваси таркибида оқсил ва азот миқдори барча вариантларда деярли бир хил бўлди.

Тажрибаларимиз давомида *Lamia* навли помидор меваси таркибида аскорбин кислотаси (АК) 45,0 мг/% дан 55,0 мг/% гача миқдорни ташкил қилди. Бунда аскорбин кислотасининг энг юқори миқдори *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти билан ишлов берилган вариантда 55,0 мг/% бўлиб назоратга (45,0 мг/%) нисбатан 22,2% ва инсектицид Проклэймга (49,0 мг/%) нисбатан 8,9% юқори натижани кўрсатди (4-расм).



Расм 4. *Haplophyllum perforatum* ўсимлиги экстрактининг помидор меваси таркибидаги аскорбин кислотаси миқдorigа таъсири (*Lamia* нави, Голландия).

1.-Назорат; 2. - Проклэйм 0,4кг/га; 3. - Экстракт *H. perforatum*, 0,23кг/га.

*H. perforatum* ўсимлиги экстрактини помидорларга пуркаш ўсимликнинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмагани аниқланди.

#### **4.3. *Haplophyllum perforatum* экстрактининг помидорнинг ҳосилдорлигига таъсири**

Ўрта пишар, ТМК-22 навли помидор куяси зарарлаган помидор кўчатларига *H. perforatum* ўсимлиги экстракти билан ишлов берилган вариантдан олинган умумий ҳосил назоратга нисбатан бирмунча юқори натижани кўрсатди. Зараркундаларнинг салбий таъсирини камайтириш орқали ўсимликларда кўпроқ мева элементларининг шаклланиши ва сақланиши кузатилди, бу эса 8,0 т/га ҳосил олиш имконини берди. Проклэйм

инсектициди қўлланилганда бу кўрсаткич (7,2 т/га) 0,8 т/га, назоратда (1,0 т/га) 7,0 т/га га етди. Умумий ҳосилдорликнинг юқори кўрсаткичи экстрактнинг ўсишни тезлаштирувчи Учқун препарати билан композиция орқали ишлов берилган ўсимликларда (8,3 т/га) кузатилди (4-жадвал).

4-Жадвал.

*Naplophyllum perforatum* ўсимлиги экстракти ва унинг композициясининг помидорнинг ҳосилдорлигига таъсири (2020 й).

Тажриба	Сарф меъёри, кг/га	Ҳосилдорлик қайтариқлар бўйича, т/га				Ўртача ҳосил, т/га	Назоратга нисбатан, т/га
		I	II	III	IV		
Назорат	б/о	0,93	1,2	1,0	0,78	1,0	-
Проклэйм	0,4 кг/га	7,5	6,8	7,4	7,2	7,2	+6,2
Экстракт	0,23 кг/га	7,9	8,1	7,7	8,2	8,0	+7,0
Композиция	0,23 кг/га	8,4	8,6	8,2	7,9	8,3	+7,3
НСР <sub>05</sub> = 0,43		S <sub>x</sub> = 0,14					

**Адабиётлар рўйхатида** диссертацияни шакллантиришда фойдаланилган 208 та илмий манбалар келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор *N. perforatum* ўсимлигининг спиртли экстракти картошка шираси (*M. euphorbiae* T.), олма шираси (*A. pomi* D.G.), ғалла шираси (*S. graminum* L.) ва тўрт доғли донхўрга (*C. maculatus* F) нисбатан инсектицид фаоллиги аниқланди. Спиртли экстракт ва унинг гексанли, бутанолли фракциялар маккажўхори барг қуртининг (*S. frugiperda*) хужайра линияларига нисбатан юқори цитотоксик фаолликка эгаллиги кўрсатилди.

2. *N. perforatum* ўсимлиги экстрактининг юқори инсектицид фаоллигига эга асосий фаол моддалари, улар терпеноидлар йиғиндиси (камида 42,0%), флавоноидлар (камида 0,46%) ва алкалоидлардан (камида 0,2%) иборат эканлиги аниқланди.

3. Дала тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, *N. perforatum* ўсимлиги экстрактининг энг мақбул сарф меъёри 0,23 кг/га қўлланилганда картошка шираси (*M. euphorbiae*) ва олма шираси (*A. pomi*) зараркунандалари сонининг камайиши кузатилди.

4. *N. perforatum* ўсимлиги экстрактининг очиқ ер майдонида 0,23 кг/га сарф меъёрида помидор кўчатларга ишлов берилганда помидор куяси қуртига нисбатан юқори заҳарлилиги аниқланди.

5. *N. perforatum* ўсимлиги экстрактини Учқун препарати билан бирга қўллаганда шикастланган баргларда фотосинтез пигментлари миқдори, мевалар сони ва ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошгани кўрсатилган.

6. *N. perforatum* ўсимлиги экстракти помидор мевасида аскорбин кислотаси миқдорини ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

7. *H. perforatum* спиртли экстрактининг *F. oxisporum* Schrf. зэмбуруғига нисбатан юқори фунгицидлик фаоллиги аниқланди.

8. Фитотоксиклик, умумий ва ўткир заҳарлилик кўрсаткичлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида *H. perforatum* ўсимлиги экстрактини кам заҳарлилиги, заҳарлилиги бўйича IV синфга мансублиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/05.06.2020. В.91.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ТУРАЕВА САИДА МУРАТОВНА**

**БИОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РАСТЕНИЯ  
*НАРЛОРHYLLUM PERFORATUM* ДЛЯ СОЗДАНИЯ БИОПРЕПАРАТА  
ИНСЕКТИЦИДНОГО ДЕЙСТВИЯ**

02.00.10- Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером **B2020.3.PhD/B478**.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([guldu.uz/ru/](http://guldu.uz/ru/)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)).

**Научный руководитель:** **Закирова Рано Пулатовна**  
Кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** **Хашимова Нигора Рустамовна,**  
Доктор биологических наук, старший научный сотрудник

**Исаев Юсуф Тожимамаатович**  
Кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский Государственный Аграрный Университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» май 2022 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc. 03/05.06.2020. В.91.03 при Гулистанском Государственном Университете (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-микрорайон. Тел. (99867) 2254275, факс (67) 225-40-42) email: [glsu\\_info@edu.uz](mailto:glsu_info@edu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского Государственного Университета (регистрационный номер № \_\_\_\_). (Адрес: 120100, г. Гулистан, 4-квартал. Тел. (99867) 2254275, факс (67) 225-40-42) email: [zafar@mail.ru](mailto:zafar@mail.ru))

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(реестр протокола рассылки \_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Х.Х. Кушиев**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., проф.

**З. У. Абдикулов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., доц.

**Н.Р. Хашимова**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., с.н.с.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из экологических актуальных проблем мира является загрязнение окружающей среды пестицидами. Известно, что без защиты растений от вредителей и болезней нельзя получить полноценного по количеству и качеству урожая. По оценкам, воздействие вредителей приводит к потере, примерно 50-70% сельскохозяйственных культур. Из-за явления развития устойчивости к инсектицидам, а также глобализации торговли, которая приводит к миграции насекомых вредителей, активно растет необходимость введения новых веществ, используемых в защите растений. В настоящее время экологическая безопасность становится первоочередным требованием в защите растений. Одной из важных народнохозяйственных, социальных и природоохранных проблем является усовершенствование системы защиты сельскохозяйственных культур от вредителей, болезней и сорняков. В связи с этим возросла потребность в создании новых экологически безопасных биопестицидов на основе вторичных метаболитов высших растений.

В мире широко проводятся научные исследования по созданию биопрепаратов с антимикробным, фунгицидным, инсектицидным, репеллентным и аттрактантным действиями на основе вторичных соединений растений. В связи с этим особое внимание уделяется охране окружающей среды и предотвращению экологической проблемы в области защиты растений.

В стране большое внимание уделяется выращиванию экспортоориентированной сельскохозяйственной продукции и приведению их в соответствие с фитосанитарными требованиями зарубежных государств, а также созданию и внедрению эффективных, экологически чистых и инновационных форм средств защиты растений, необходимых для выращивания на сегодняшний день востребованных продукций органического сельского хозяйства.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «Стимулированию научной и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений»<sup>1</sup>. Исходя из этих задач, в том числе выявление вторичных метаболитов растений, произрастающих на территории республики, их биологической активности и разработка мероприятий по созданию на их основе новых высокоэффективных биорациональных пестицидов, имеет большое научное и практическое значение.

Указ Президента Республики Узбекистан от 18 мая 2020 года № УП-5995 «О дополнительных мерах по обеспечению соответствия показателей

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

